

Ҳудуд бўйича аҳолини озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги тўғрисида статистик маълумотлар

1 миллион 800 минг—дан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган вилоятимиз халқининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида шу йил 1 октябрь ҳолатида вилоятда гўшт етиштириш ҳажми 159 минг 457 тоннага, тухум — 262 миллион 49 минг донага, сут — 633 минг 690 тоннага, асал ишлаб чиқариш ҳажми — 1554 тоннага етказилди.

— 2014 йилдан 4 гектарда интенсив усулда шафтолизор ва ўрикзор ташкил қилганмиз, шу йил ниҳолларимиз ҳосилга кирди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Бахшулло Қўлдошев. — Қолаверса, қорамолчилик билан жиддий шуғулланиб, ҳозирда улар сонини 87 бошга етказдик. Жорий йил ўтган даври мобайнида вилоят ҳамда пойтахтимизда ташкил этилган ярмаркаларда қатнашиб, арзон нарҳда 2600 килограмм гўшт сотдик. Айни кунда 19 киши муқим иш ўрнига эга хўжалигимизда сунъий балиқчилик ҳавзаси ҳам мавжуд.

Мана ўн йилдирки, унинг ишини ўғли Аҳрор Бобоқулов давом эттирмоқда. Ҳозирда хўжалик қарамоғидаги 110 гектар ернинг 40 гектарида пахта, 42 гектарида ғалла, қолганида сабзавот ва чорва моллари учун ем-хашак етиштирилади. Шунингдек, бу ерда қорамолчилик ҳам йўлга қўйилган. Хўжалик йилига 1,5-2 тоннагача гўшт етиштириб, эл маъмурчилигига ҳисса қўшмоқда.

Акмал Тешаев раҳбарлик қилаётган "Жўшқин Пирмаст" фермер хўжалиги кўптармоқли субъект сифатида танилган. Хўжаликнинг 22 гектар ер майдонида пахта, 16 гектарида ғалла етиштирилади. 180 бош қорамол парваришланаётган наслчилик тармоғида эса аҳолига насли моллар, сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб берилади. 2 гектарли иссиқхонада етиштирилаётган помидор ва бодринг элимиз дастурхонига тортиқ этилмоқда.

2014 йилда корхона ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйди. Тадбиркор 10 миллиард 346 миллион сўмлик инвестиция киритиш шарти билан собиқ "Бухоротекс" акциядорлик жамиятининг қурилиши битказилмаган фабрикаси биносини ҳам ноль қийматда олди. Мулкка эга бўлиш мажбуриятини бажариш учун ўз маблағидан ташқари "Алоқабанк" вилоят филиали томонидан ажратилган 7,8 миллиард сўм кредит етарли бўлди. Лойиҳа доирасида 2,6 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Шунингдек, йилига 2 миллион бош жўжа очирадиган инкубация ва 1,5 миллион бош гўштбоп бройлер паррандани боқишга мўлжалланган цехларда энг замонавий ускуналар ўрнатилди. Оқсилга бой озуқа захираси яратилди.

Бугунги кунда аҳоли тухум ва парранда гўштига бўлган эҳтиёжини ўзи таъминлашга ҳаракат қилаётир. Тажрибанинг афзаллиги шундаки, бу орқали оила бюджети тежаллади. Бу муқим ишга "Жондор Чинор Чорва" ўз ҳиссасини қўшмоқда. Корхона олти ойда аҳолига 55 минг бош 90 кунлик жўжа сотди.